

ОИЛА ВА ЖАМИАТ



41 сон
1997 йил 8 -
14 октябр

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси



ЖАҲОННИ ҲАЙРАТГА СОЛГАН ШАҲАРЛАР

Жаҳон юртимизни аввало, қадимий шаҳарлари, кўҳна меъморий обидалари орқали жуда яхши билади. Айниқса, қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларимиздаги минг йиллик бинолар печ асрлардан буён инсониятни ҳайратга солиб келмоқда. Ўзининг икки ярим минг йиллик тўйини катта таптаналар билан нишонлаган Самарқанд бугун ўзгача чирой ва салобат билан кўр тўкиб турибди. Қадимий ва навқирон бу шаҳар ҳали яна печ асрлар она заминимизга чирой бағишлаб яшараверади.

Бугун эса кўҳна Хива ва Бухоро шаҳарлари ўзининг 2500 йиллик тўйини нишонлаш арафасида. Ҳозир бу масканларда энг сўнги тайёргарлик

ишлари якунланай деб қолди. Ушбу тўйга тайёргарлик 1996 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриши ва уни нишонлаш ҳақидаги қарори эълон қилингандан қизғин паллага кирганди. Мана бугунги кунга келиб тайёргарлик самаралари яққол кўзга ташланиб турибди.

Бухоро ва Хивага қадам ранжида қилган киши ёдгорликларни таъмирлашда катта ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлади. Хуллас, бугун Бухоро ва Хива шаҳарлари қутлуғ тўйга муносиб тайёргарлик билан келдилар. Яна бир бор жаҳон бу қадимий шаҳарлар кўркидан ҳайратга тушиши рост.



„РАНГЛИ ЛОК“ ФИРМАСИ

СОТАДИ (нархи идишсиз, бир тоннаси учун)

- ПФ-115 эмал (тўқ яшил, қизил, қора) - 165000-212000 сўм.
- ПФ-133 эмал (сарик) - 224200 сўм.
- БТ-51 Лок - 41300 сўм.
- ВДАК-229 бўёғи - 53100 сўм.
- том учун бўёқ - 153400 сўм.
- ПФ-КБ бўёғи - 35400 сўм.
- ГФ - 0163 - 118000 сўм.
- НЦ - 212 лаки (мебел учун) - 298000 сўм.

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА СОТИБ ОЛАДИ:

- Усимлин ёғи
- Метал динк
- 0.8 КВли пўлат тунука, 0.5 мм, 0.8 мм, 1 мм
- Пангаэритрит
- Фтал ангидрид

- Глицерин
- Чигит
- № 25 ли оқ тунука
- Пўлат чикитлар (лом)
- Пўлат тунука қалинлиги 0.2 мм дан 2 мм гача

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ

- ВДАК-229 - 73160 сўм.
- ПФ-223 оқ эмал (4 кг ли идишда) - 218300 сўм.
- ПФ-226 эмал (3 кг ли идишда) - 212400 сўм.



Манзил: Тошкент. Содиқов кучаси, 9. Тел: (3712) 683947, 353451, 687945

Ахборот

«...ЭЛГА ЯХШИЛИК - ҚИЛГИН»

Шу йил 5 октябрь куни Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Шумилов шаҳарчасида қариялар оромгоҳининг очилиш маросими бўлди. Маросимга маҳалланинг кам таъминланган оила фарзандларидан 5 нафарининг суннат туйи улашиб кетди. Маҳалла фаоллари туй болаларга бош-оёқ сарпо қилдилар. Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси раҳбарияти номидан А. Норматов болажонларга сарпо ва қимматбаҳо совғаларни тошширди.

— Туй болаларнинг каттаси 13 ёшда, — дейди маҳалла оқсоқоли Мансур ота Маҳкамов. — Оилаларидаги камҳаржликни куриб маҳалламиз оқсоқоллари Ҳамидулло Ҳожи Қаюмов, Йулдошхужа Бакиров, Муҳаммад Сомиев, Аҳмадали Ҳасимов, Саид Шарипов, Рустам Тошболтаев, Гапвор Норматовларнинг саъй-ҳаракатлари билан оромгоҳни ҳам тикладик, болажонларнинг ҳам қўлини ҳалолладик.

Туй болалар ясаatilган отга миниб давра айланганда, йиғилганлар бу савобли ишга бош қўшган инсонларга раҳмат, деди. Тумандаги 30-урта мактаб ўқувчилари эса узларнинг куй, қушиқ ва рақслари билан даврага файз киритди.

Ўз мухбиримиз

Саҳоват

Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти нафақат зие сарчашмалари булган газета ва журналлар савдоси билан шугулланали, балки эзгу ва савобли ишларнинг ҳам бошида турибди. Яқинда улар 12 ёшли хаста қиз

ЖАМИЯТНИНГ САВОБЛИ ИШЛАРИ

Шаҳноза Назарованинг «Умид» ногиронларни тиббий қайта тиклаш марказида 20 кун даволаниши учун 10 минг сум пул утказди.

«Меҳрибонлик» жамияти амалга ошираётган хайрли ишларга, савобли тadbирларга хайрихоҳ булган «Матбуот тарқатувчи»лар бу жамият ҳисобига ҳам 30000 сум пул утказишди.

— Ногирон, камҳарж, ижтимоий ҳимояга муҳтож одамларга ердамимиз тегаетгани, уларнинг қалбида подлик, эртани кунга умид ўқунлари порлашига ҳисса қўшаётганимиз бизнинг энг катта ютугимиздир, — дейди акциядорлик жамияти бош директори Рустам Қосимов.

Ўз мухбиримиз.

«ПОЙТАХТДА

Мададталаб мактуб

ТУРИБ, ГАЗСИЗ ЯШАЙМИЗ»

«Ассалому алайкум «Оила ва жамият» газетаси муҳарририяти! Охириги умид билан сизларга мактуб йўллаймиз. Сабаби, ушбу масала юзасидан барча мутасадди ташкилотларга ёзавериб, уларнинг ёлгон ваъдаларини эшитавериб чарчадик. Дарвоқе, масала хусусида. Масала бундай, биз пойтахтнинг қоқ марказида — Шайхонтоҳур тумани, Беруний кучаси, 1 «А» уйда истиқомат қиламиз. Уй «Тошуйжойжамгармабанк» томонидан бунёд этилган. Очиги, бу ерга кучиб келганимизда қувончимиз чексиз эди. Кенг ва шинам хоналар ҳаммамизни қувонтирган эди. Бироқ қувончимиз узоққа бормасди. Янги уй «усти ялтироқ...» хилдан чиқиб қолди. Мана, кучиб келганимизга бир йил булган бўлса-да, ҳамон газдан мосувомиз. Ҳар куни қулбола плиталарда овқат пишириш жонга тегди. Болаларимиз ош, ҳамир овқатларни ҳам эздан чиқариб юборишган. Тинимсиз электр плиталаридан фойдаланавергач электр токнинг пули ҳам анчага бориб қолапти. Биз бу тугрида бир неча бор банкка ва 5-ЖЭК раҳбарларига мурожаат қилдик. Бироқ улар арзимизни тинглашни исташмапти. Фақат коммунал хизмат ҳақини ундириш пайтидагина уларнинг эсларига тушиб қоламиз. Ахир, уйнинг барча тарафлама талабга жавоб беришини куздан кечириб, қабул қилиб оладиган банк ва қолаверса ЖЭК эмасми? Нега улар бугун узларни четга тортишапти?! Ушбу ташкилотлар ишини назорат қилувчи Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги-чи?!.. Ё улар «Эшагим сувдан ўтди...» қабилда иш тугишаптими?»

Феруза ТОШХУЖАЕВА

МАШИНА ЮВАЁТГАН БОЛА

Қудратнинг ёши 14да. У 8-синфда ўқийди. Уни пойтахтнинг транспорт гавжум жойларидан бирида машина юваётганида бир неча марта курганман. Яқинда яна уша томонга йўлим тушганда Қудратни секин гурунга тортидим. Тугриси, олдини гапимиз унчалик қовушмади, лекин салдан кейин тил топишиб кетдик.

— Машина юваётганини уйдагиларнинг билишадими? — сурайман Қудратдан.

— Булмасамчи. Масалан, мен дамнинг рухсатсиз бирор ишга қўл урмайман. Утган йили эзги каникулга чиққанамизда қўшни подьездда турадиган Саттор билан машина ювмоқчилигимизни айтганимда, аввал индамадилар. Уларнинг индамагани «йўқ» дегани. Икки-уч кун утиб эса рози булдилар.

— Кунига қанча топасан?
— Ҳар хил. Уртача 300 — 500, баъзан кўпроқ, баъзан оз.

— Шунинг ҳаммасини уйга элтиб берасанми?

— Йўқ, топган пулимнинг 25 фоизини узимга оламан. Қолганини даламга бераман. Яқинда шу пулларимдан йиғиб-йиғиб, укамнинг тугилган кунига «Денди» олиб бердим.

— Дарсларинг-чи? Дарсларинг қолиб кетмайтими?

— Каникул пайти эрталабдан чиқардим. Ҳозир 12дан кейин чиқаялман.

Қилаётган ишим узим учун ҳам, оиламиз учун ҳам фойдалироқ, кераклироқ меҳнат.

— Синфдошларинг, айниқса, қизлар машина ювиб юрганидиган кулишмайдами?

— Фалончи устимдан кулармикан, деб уйлаб ҳам курмаганман.

Ҳафтасига бир-икки кун дам оламан. Уртоқларим билан айлангани чиқамиз, футболга тушамиз.

— Охириги марта қайси китобни ўқигансан?

— «Шайтанат»ни ўқидим.
— Хўш, қалай?
— Зур.

— Бирор қизиққан касбинг ҳам борми?

— Узимга қолса, машина тузатадиган уста бўлсам, дейман. 9ни битирай, дадам рухсат берсалар, бирор устага шогирд тушиб иш урғанаман.

Қудрат билан анча гурунглашдик. Билганим шу бўлдики, уларга ҳам осон эмас экан. Айримлар машинасини ювдириб ортиги билан пул бериб кетса, баъзан ҳеч нарса бермай, бунинг устига дуқ-луписа қиладиган олифталар ҳам учраб тураркан. У яхшигина пул топса-да, хорижнинг кийимларига ишқивоз эмас, уртача кийинишни ёқтиради. «Ассейнес, угрилик, безорилик қилмаялман-ку», — дейди Қудрат.

Дадаси ҳам шундай уйлайди, лекин «Янаям ким билсан?» — дея елка қисали. Сиз-чи, сиз? Бу ҳақда сиз нима дейсиз, азиз муштарий?

Даврон БЕК



Дастлабки қадамлар

«Форбс» журнали узининг яқинда чиққан сонларидан бирида америкалик энг бой-бадавлат кишилардан 400 нафарини эълон қилди. Бу руйхатнинг бошидан «Микрософт» компаниясининг президенти ва бу компаниянинг асосчиларидан бири 41 ёшли Билл Гейтс номи жой олди. Айни пайтда бу энг бой америкаликнинг мол-дунёси 39,8 миллион долларни ташкил этади.

Рига шаҳрида яширин иш юритиб келган зарбхона топилди. Бир хоналик уйда 2 латлик (қарийб 4 долларлик) танга пул зарб этилган махсус ускуна урнатилган бўлиб, унинг ердамида жиноятчилар пул чиқариб туришган. Ясама танга пулларнинг сохталигини муомала пайтида сезишнинг иложи булмаган, уни фақат махсус воситалар орқалигина

аниқлаш мумкин экан. Гарчи қаллоблар икки латли тангаларни бугунлай бошқа қоришмадан тайёрлашган бўлса-да, қўз билан қараганда уларнинг ҳақиқий латлардан фарқини билиш мумкин эмас. Бир йил ичиде сохтакорлар 20 минг дана икки латли танга тайёрлашган.

Минскда етимларни бола қилиб олишни ташкиллаштирадиган миллий марказ очилди. Айни пайтда бу марказ руйхатида 20 минг белорус етим болалари қайд этилган. Марказ зиммасига «Белоруссия фуқаролари орасида қаровсиз қолган болаларга қизиқини кучайтириш» вазифаси юклатилган. Утган йил мобайнида 586 гудак хайрихоҳ оилалардан бошпана топган эди. Бу болаларнинг ҳар бири учун давлат тахминан 15 минг доллар сарфлаши керак эди. Гудакларни ўз тарбиясига олган оилаларга эса давлат-



дан сарик қақа ҳам теккани йўқ. Ёлғиз ташаббуснинг узи билангина узоққа бориб бўлмайди.

Англияда ихтиро этилган гаройиб таблетка, ҳарқалай, эркакларни хушнуд этса керак. Будорини Эденбург шаҳридаги тиббий тадқиқотлар маркази геншнинг раҳбари доктор Камеран Мартин исмли жаноб ихтиро қилибди. Дорининг «хосияти» шундаки, уни истеъмол этгач, энг бақувват эркакдан ҳам маълум муддат бола бўлмайди.

Ҳомиладор қилишдан сақлайдиган бу дори дастлаб уттиз нафар эркакда, албатта, уларнинг розиликлари билан синаб қурилган. Натижа —

юз фоиз: бирор-бир ҳолда дори панд бермаган. Боз устига дори уларнинг соғлигига зигирча зиеъ етказмаган. Дорини истеъмол этганидан сунг бир неча кун — маълум муддат утгач, эркак яна асл ҳолини, яъни ҳомиладор қила олиш қобилиятини тиклай олади.

Айни пайтда доктор Мартиннинг командаси навбатдаги синовни утказмоқда. Тандалаб олинган саксон нафар эркак — кунгиллилар бир йил мобайнида шу дорини истеъмол қилиб боришади. Агар натижа тагин аъло даражада бўлса, дори оммавий сотувга чиқарила бошлайди. Бироқ бетоқат эркакларга шунини билдириб қуйишни лозим, деб уйлаймизки, Британия қонунларига кура, бу дори уларнинг қулга бир неча йилдан сунг, аниқроғи, 2002 йилдагина тушиши мумкин.

«Труд» газетасининг ёзи-

шича, кейинги ун йил мобайнида Россияда вояга етмаган ёшдагилар амалга оширган жиноятлар сони икки баробар ошган. Утган йилги биргина Москва шаҳри милиция бўлиmlари 45 минг бола ва усмир жиноятчиларни ушлаган бўлса, шу йилнинг олти ойи ичида бу курсаткич 29,5 мингтага етди. Шулардан уч ярим минг нафари 13 ёшга булган болалардир. Болалар ва усмирлар қилаётган жиноятлар нафақат устакорлик билан амалга ошириляётгани, шунингдек, шафқатсизлиги билан ҳам гојтда ташвиш туғдирмоқда. «Бу муаммони ҳал қилиш бўйича давлатнинг ҳеч қандай дастури йўқ, — деб ёзди мақола муаллифи Н. Фокина. — Махсус мактаблар, интернатлар қуриш учун пул ажратилмайтир...».



ШАХСНИ АЁЛ ТАРБИЯЛАЙДИ

Саодат қасри

Давримизнинг устоз уламиси, 1400 йиллик ислом даврининг Туркстондаги 20-ва 21-аср халқасида энг асосий ўринлардан бирини эгаллаб келган аллома Абдуҳаким қори Абдулвосъе ўғли мана қарийб бир асрлик умр йўлининг сарбонидир. У кишининг ҳикматли сўзлари, панду-насихатлари, ҳақ йўлга даъватлари ҳамisha барчанинг диққат-эътиборида, кўнгил эҳтиёжидадир. Қуйида шундай сўхбатлардан бир шингилни сизнинг эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим.
«Ойлада хотиннинг эрга булган муносабатини, узини тутишини, муомаласини нималар белгилайди? Унинг зиммасида эрининг қандай ҳақлари бор?» — деган саволларга жавоб беришга уриниб қурайлик. Аввало, шунга айтиб ўтишимиз керакки, аёл киши узининг аёллиги билан фахр қилмоғи керак. Оллоҳ таоло бекорга уни аёл қилиб яратмаган. Ҳақ сўхбоҳнака таоло Қуръони каримнинг «Аъроф» сурасида марҳамат қилиб айтган: «Оллоҳ бир жондан сизларни яратгандур ва уша битта жоннинг узидан жуфтини ҳам яратгандур. Токи, у уша жуфтда ором топсин, деган ниятда». Уша битта жондан яратган жуфт аёлдир. Аёл лағофат, муҳаббат, назокат, садоқат рамзидир. Буни ҳар бир аёлнинг узи яхши билимоғи ва тушуномоғи зарурдир. Турмушга чиққан ҳар бир келин, «Ойла Оллоҳнинг суннати» эканлигини яхши англамоғи лозим. Ойлада икки шахснинг фақат жисмоний эмас, руҳий қушилмалари ҳам бўлиб, бундан кузатилган мақсад уткинчи лаззат эмас, балки башариёт камолоти ва ҳаётнинг давомийлиги ҳақида қайғуришдир. Халқимиз «Эрни эр қилган ҳам, қаро ер қилган ҳам хотин» — деб бежиз айтмаган. Бошқа халқларда эса «Ҳар бир улкан шахснинг ортида аёл мавжуд», — деган нақл бор. Одатда, янги уйланган йигитга «Энди ола хуржун буйинингга тушиди», — дейишади. Аслида хуржуннинг кузи икки кита бўлиб, бириси эрга, иккинчиси хотинга аталгандир. Яъни турмуш оғирлигини эр-хотин узларига яраша тенг кутармоқлари лозимдир. Ойлавий ҳаётнинг бардавомлиги эр-хотин икковининг бир муқаддас мақсадга муштарак интилишларига боғлиқ.

Аёлнинг эрга ҳамлард бўлиши ойлавий ҳаёт камолоти камол, жамолоти жамол кўнади. Хотин ойлада чиройли амалларга одатланмоғи лозим. Қуръони каримни ва бошқа китобларни ўқиб туриш, ахборотлардан хабардор бўлиш, ҳақиқатни ҳимоя қилиш шулар жумласидандур. Чунки оқила, маърифатли аёл ҳамisha эъзода, эътиборда булган. Уйини озода, саранжом-саришта бўлиши ҳам асосан хотинга боғлиқ.

Уйнинг нақши, зийнати аёлларнинг тотувлиги, оқиллиги, сариштилларида эканини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Хотин эрининг виждонига айланиб, уни гуноҳ ва ёмон ишлардан қайтариб, савоб ва яхши амалларга ундаб турмоғи лозимдир. Бундай хотинлар ҳақида пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо (С. А. В.) марҳамат қилиб айтганларки: «Мумин банда Оллоҳга булган иймондан сунг эришган энг яхши нарса солиҳа аёл бўлиб, унга қараса, хурсанд қилади ва Оллоҳнинг амрини бажаришда ердан беради». Мумина, солиҳа аёл эрга оғир пайтда ҳам, енгил пайтда ҳам маслаҳаттуй, ердмачи, маслақдош бўлади. Уни сабр-қаноатга даъват этади. Тушқун ишларида кўнглини кутариб, олдинга интилишга ундайди. Бу борала аввал утган момоларимиз барчага урناк булганлар. Ҳалича онамиз Муҳаммад (С. А. В.)га нисбатан худди юқорида зикр қилинган каби хислатларга эга ажойиб аёл булганлар. Шунинг учун пайгамбаримиз Ҳалича онамизни вафотидан кейин ҳам эслаб, қулаб яхши ҳадислар айтганлар. Ушундай ҳадисларнинг бирида пайгамбаримиз шундай дейдилар: «Одамлар мендан юз утирганида у ердан берди. Одамлар менга ҳайдашганида у жой берди. Одамлар кўфр келтирганида у иймон келтирди».

Мумина-муслима аёл эрининг яқин ердмачиси бўлиб, ҳамма нарсаларни тартибга солиб туради. Унинг ваъда ва учрашувлари кечикмай утишига қумаклашса, бу ҳолат эрни уйга боғлайди. Чунки эр бу ерда роҳат-фароғат топади, хузур қуради. Лекин шу билан бирга ҳар бир катта-кичик, арзийдиган-арзиймайдиган нарсаларга аралашавериш ҳам яхши эмас. Ҳар бир инсоннинг уз эрни ва узига хос юмуши булгани каби, ҳар бир эркакнинг ҳам уз эрки ва узига хос юмуши борлигини унутмаслик керак. Эрини ҳурмат қилган, эрининг хизматини қилган аёл эрини рози қилиш билан бирга Оллоҳни ҳам рози қилади. Бу ҳақида Жаъфарали Солиқ шундай дейдилар: «Битта солиҳа аёл уз эрга етти кун хизмат қилса, Оллоҳ унинг қаршисидаги дузахнинг етти эшигини епади ва жаннатнинг саккиз эшигини очади».

Рисодалагидек хотин эрининг яхши фазилатларини ривожлантиришга ҳаракат қилади, у билан умидворлик ва муваффақиятли ишлар ҳақида сўхбатлар олиб боради. Чунки хотиннинг чорлови ҳар қандай чорловдан устуң туради. Эрининг жамиятда қолдирадиган таъсири хотиннинг унда қолтирган таъсирининг

аксидир. Агар хотин эрга садоқатли, шижоатли, муваффақиятга эришувчи деб муносабатда бўлса, иншооллоҳ, шундоқ бўлади.

Шу билан бирга аёл эридан узи билмаган нарсаларни урганани, тажрибаларидан фойдаланани. Ҳаётдаги энг гўзал фазилат қаноатдир.

Турли ҳою-ҳавасларга берилиб, зебузийнат талаб қилиб эрини қийин аҳволга солиб қуйиб яхши эмас. Қаноат ожизлик ҳам, камчилик ҳам эмас, балки у олий инсоний сифат бўлиб, уз эгасини доимо юксакларга кутаради.

Турт халифанинг бири ҳазрати Али (А. А.) аҳли аёллари, пайгамбаримизнинг суоқли қизи Фотима онамизни ҳорғин, ҳолдан тойган ҳолда қуриб, «Сенга нима булди?» деб суралдилар. Фотима онамиз уч кундан буён уйда егулик нарса йўқлигини айтибдилар. Шунда ҳазрати Али: «Шундоқ экан, айтсанг булмасмиди?» — дебдилар. «Туйимиз кунни отам, Оллоҳнинг Расули «Ҳой, Фотима, агар Али бирор нарса топиб келса егин, сурамагин», — деган эдилар», — деб жавоб қилдилар Фотима онамиз. Бу аёл киши қаноатининг олий мисоли десак адашмаймиз.

Анвар ТУПСУН тайёрлади



Абду Фаии ЖУМА олган сурат

— Сиз... сиз нимани ҳам тушунардингиз? Катта лавозимингиз бор, чиройли кийинасиз, албатта, эрингиз сизни кўзи устига қуяди-да. Албатта, Сизга «Гулдай болаларингизни тирик етим қилманг, турмуш урғогингизга яхши гапиринг, кўнглини олинг, фидойи бўлинг», — дейиш осон-да. Севги, сеvgи. Севги қолдими аёлда? Бари рўзгорга ем бўлиб кетди-ку!

...Мамлакатхоннинг қулоғи остида аёлнинг бу сўзлари анча-гача акс-садо бериб турди. Бир хаёли уни тўхтатиб: «Синглим, келинг мен сизга беш йил аввал бошимдан утган воқеаларни гапириб берай. Узингиз хулоса қилинг», — дегиси келди. Бироқ аёл бу гаини тушуналган ҳолатда эмас эди, чарсиллаб турарди. «Сал совқин, муддат бердик-ку, балки уч ой утгунча фикри яхшиликка узгарар», хаёлидан утказди у.

Мамлакатхон котиба қиз билан хайрлашиб йўлга чиқди. Хизмат машинасини чақирмади, негадир пиёда юргиси, узи билан узи қолгиси келди. Доим узининг тақдирига ухшаш тақ-

ТАҚДИР ТУҲФАСИ

Қаноат

дирга дуч келганда шунақа ҳолатга тушади, хотирасида қатлан-иб етган йиллар саҳифаси бир-бир очилаверади.

...Уша пайтлар Мамлакатхоннинг оқловчи бўлиб ишлаётганига эндигина уч-тўрт йил бўлганди. Кўни келиб қушалоқ қиз куришти. «Худойимга айтганингиз бор экан, узингизу қизалоқларингизни зурга асраб қолдик. Сизга бошқа таваккал қилиш мумкин эмас», — деди унга жарроҳлик йўли билан доялик қилган шифокор аёл. «Йўлини ҳам қилдик. Бироқ бу «сир»ни эрингизга ошкор қилиб утирманг. Худого шуқур, қуш юлдуздай қизалоқларингиз бор, тирнокқа зорлар осми... энди шуларнинг бахтига ези бўлинг».

Мамлакатхон эридан яшириниш қилиб урганмаган эди. Шифокорнинг гапига аҳамият бериб утирмади, айтди.

...Эри негадир индамади... Шунда унинг юраги илк бор қаттиқ санчди... Йиллар утавер-

ди... Аввалига ҳаммаси яхшилай эди... Аҳрор акаси вақтида ишдан қайтар, қизалоқларини сайрларга олиб борар, уйларида доим хурсандчилик, мусиқа...

Аммо орадан йиллар ута борган сайин Аҳрор акаси индамас, камгап бўлиб борди.

...Уйга кечикиб келадиган, баъзан келмайдиган одат чикарди.

«Эрининг бошқа хотини бор, елгина, угил тугиб беради, яқинда бошингни ушлаб қоласан», эндигина судьялик курсисига утириб, бир жиноят ишини кураётганида боласи қамалаётган аёл уша шундай деб бақирди.

...Мамлакатхон уша лаҳзаларда узини ожиз ҳис этди, қузига еш қуйилди. Бир хаёли Аҳрор акасига: «Сизни қурмай ҳам, қуймай ҳам, хоҳлаганингиз билан кетинг», — дегиси келди. Бир хаёли дардини сўрагиси, узини бағрига отиб, ялнгириси келди. «Муҳаббатимиз ҳақи, қайти-

нг бу йўлдан», — дейишни истади...

Аммо бу истақлар орасида бир ҳақиқатни ҳис этиб турарди. Эрга угил керак эди. Шону шаън учунми, йўқ, шунчаки кўнгил эҳтиёжи учун ҳам керак эди. Айтмаса ҳам Мамлакатхон буни сезарди, айниқса, Аҳрор акаси угил тўйларидан қайтганида, оғайиллари: «Биззи тойчоқ...» дея гурурланиб гапирганда...

...Мамлакатхон суриштирса, микрожарроҳлик йўли билан яна онадик бахтига муяссар бўлиши мумкин экан. «Уйлаб кўнринг, опаюн, — деди уни қабул қилаётган эркакшода аёл. — Микрооперация сиз учун енгил эмас, агар худо йўлингизни очиб, ундан сунг ҳомилалар булсангиз, яна жарроҳлик йўли билан туғасиз».

Мамлакатхон барига рози булди. Кетма-кет операциялар, касалхонама-касалхона даволаишлар — барига чидади.

«Қизларимнинг даласига бир

угил ҳаёя этсам бас!» Қарори қатъий булди. Яратган Этам ҳам ҳақ йўлидагиларни қуллаши чин экан, унга толе кўлиб боқди. Угил курди...

...Мамлакатхон муҳаббат қудратига ушанда ишонди. Эри уни туртла билан туғруқнонадан олиб қайтар экан: «Менинг кўнглим деб чеккан азобларингизни, жабрларингизни унутмайман», — дея шивирлади...

...Мана, угилгачи олтига кираяпти. Ҳали ҳануз кетма-кет жарроҳ тиглари асоратларини танасида ҳис этади. Аммо эрининг эшикдан қулиб кирганини курсе жонидоғи оғриқлар тарқақ кетади.

«Ҳаммаси эвазига оилами сақлаб қолдим-ку. Болаларимни «лада» дейиш бахтидан маҳрум қилмадим-ку».

...Мамлакатхон хаёллари билан уйига етиб келганини ҳам пайқамади. Уйи кечки офтоб шуъласида нурланиб турарди.

Раъно ИСМОИЛОВА

КўРПАНГА ҚАРАБ...

Кейинги пайтларда бўлаётган никоҳ туйларини куриб одамни уй босади. «Тавба» деб еқа ушлайсан киши. Фалон сумга кира қилинган «Лимузин»у «Мерседес» машиналар, шу шодиегани лентга муҳрлашга бел боғлаган видеотасвирчи, туйхонани чарогон этиб турган ранго-ранг чироқлар, ЗАГСдан кейинги музқаймоқхурлик, ижарага олинган келин либоси ва яна бир қанча юмушларга қилинадиган харажатлар унчамунча одамнинг белини букиб юбориши тайин. Тугри, айрим топармон-тутармонлар учун булар арзимаган харажат бўлиб туюлар. Лекин қўлаб юртдошларимизнинг кўрпасига қараб оёқ узатмай, қарз-қурз хавола қилиб дангиллатиб туй қилаёт-

Муносабат

ганига нима дейсиз! Умр буйи йиққан-терганингни бир кунда совиришни «орзу-ҳавас» дейишга ҳам тил бормайди.

Ҳокимликлар, маҳалла кумиталари мутасаддилари туйларни ихчам, камхарж тарзда утказишга бош-қош булишлари, узлари бу борада шахсий намуна курсатишлари керак. Дин пешволари ҳам узларига яратиб берилган шарт-шароитлардан фойдаланиб, бу жараёнда фаол иштирок этишса, ҳар хил спиртли—ҳаром ичкиликлардан ҳоли исломий туйларни тарғиб этишса маъқул буларди.

Ҳамидулла ЙҮЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳри,
Иби Сино мавзеси



Қай бирин ортиқ қўяй мен, Гулми ё Гулчехралар...

БАХТЛИ Фахр
ИНСОНЛАРДАН
БИРИМАН

Болалигимдан драма санъатига, театрга ишқим тушган. Бунга куп жихатдан меҳрибон отажоним сабабчилар. У киши мени тез-тез Кўқон театрга олиб борардилар. Кўрган томошаларимнинг моҳиятига гоҳ тушуниб, гоҳ тушунмай, актерларга ҳавасим келиб неча кунгача энтиқиб юардим. Ана шу ҳавас бора-бора орзуга, мақсадга айланди. Мақсадга етишмоқ учун эса фақат ширин ҳаёллар суришнинг узи камлик қилади. Бу йўлда тинмай изланиш, уқиш керак. Бу кун уша изланишларим уз самарасини бериб, Маннон Уйгур номидаги Санъат институтининг «Драма ва кино» факультети талабаси бўлдим. Ҳеч иккиланмай айтишим мумкинки, дунёдаги энг бахтли инсонлардан бири менман. Менга умид боғлаган, менинг уқишга киришимга ишонган дадажоним, онажоним ва устозларим олдида юзим* ерут бўлди.

Мурод ҚҮРБОНОВ,
Кўқон шаҳри

Россиялик таниқли эстрада кушиқчиси Алёна Алина кейинги пайтларда сахнада узини анча елгиз сезиб юрган эди. Яқиндан бошлаб у еш кушиқчи Мурат Носиров билан бирга концерт бера бошлади. Уларнинг қўшма дастури «Тамбовга қатновчи электричка» деб номланади, ундаги асосий кушиқнинг номи эса «Ойдин кечалар». Бу кушиқда уларнинг бир-бир-

СЎЗИГА БОҚМА ЎЗИГА БОҚ!

ларига булган муҳаббатлари ҳақида куйланади.

Алёна ва Мурат сахнада бир-бирларига шу қадар моски, Яталаги концертларининг бирида томошбинлар уларга «Горко! Горко!» деб қичқирди.

Қизиги шундаки, бу дуэтни тузиш фикри Алёнанинг турмуш уртоғи ва продюсери Александр Иратовдан чиққан. Алёна эрининг бу ташаббуси ҳақида ҳазил аралаш: «Мен унинг жонига текканман, шунинг учун у тезроқ мендан қутулиш ниятида», — дейди.

Хуллас, шунанга гаплар. Соф муҳаббат, вафодорлик ҳақида жўшиб куйлайдилару, узларининг қилиб юрган ишлари бунақа.

Бизга жавоб берадилар

ПРОФИЛАКТИКА
ИШЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг худудий коммунал фойдаланиш бошқармаси газетангизнинг шу йил 14 августдаги 33-сонидан чоп этилган, Юнусобод туманининг 14 мавзесидаги 65-уйда истиқомат қилувчи Раъно Айтхўжаеванинг «Арзимизни ким тинглайди?» номида шикоятини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Айни кунда ушбу уй ертўласи куритилиб, профилактика ишлари ўтказилди;

амалга оширилган ишлар бўйича далолатнома ва тилхат мавжуд.

Бошқарма бошлиғи ўринбосари:
Р. ҚҮРБОНОВ




ҲҒЛИМ

ЗУФ АРИЛЛОҒА

Осмонимдан яралган, бир осмонимсан,
Ҳаққа бориб етдимикан ўтли оҳим.
Ғамгин-ғамгин дунёларни ҳайдадим мен
Тушларимни ёрит энди, эрка шоҳим.

Кўзларингда муҳаббатнинг сурати бор,
Ўтли-ўтли армонлардан сени топдим.
Овозингни эшитганда бахтдан тўлиб,
Қайгуларга эшигимни кулиб ёпдим.

Олис-олис орзулардан эртақ айтдим,
Томиримда олов бўлиб оқди қоним.
Сен эртансан, сахарлардан хуш сўрагин
Жоним аро кулиб турган жавҳар жоним!
Муҳаббат АМАТАЕВА



УМИДВОР ЯШАЯПМАН

Ташбеҳлар

Эй, худо! Бу менинг энг аввал ва энг сунг айтар сўзим. Нафақат тушқун, балки энг қувончли дамларда ҳам Сенга шукрона келтиришдан айирма!

Умидвор яшаяпман. Ишқилиб, Тангрим шундай саодатдан жудо қилмасин.

Дунёда бекаму куст яшаяпману, негадир кунглим ғаш. Назаримда узгаларга куп озорим тегаетганга ухшайди. бу дунёда мусича бўлиб яралмаганимга афсусланаман.

Уйда утирсам негадир юрагим сиқилиб кетаверади. Кучага чиқсам кимнингдир калакаси бўлаётгандек, худди узгаларнинг тасаввурига огир ботаётган сезаман узимни. Бу эса купроқ мени уйда утириб юрак қийноғида, юрак билан, узим билан яккама-якка қолишга ундайди. Ахир, киши қачондир, қайдадир узига ҳам суроқ бериши керак-ку!

Дунёдаги икки бахтнинг бири муҳаббат булса, у менда йўқ. Инчунин, ёрга булган меҳримни унинг узи бўғиб улмас қилган. Ҳозир ҳам у

тирик, фақат арвоҳ киефасида юрипти холос.

Узоқдан бу гул менга жудаям гузал куринган эди. Яқинига келиб, хидламоқчи бўлиб бандидан тутган эдим, тиконларини шунақанги санчиб олдики, хануз узимга кела олмайман. Шундан бери менинг гуллар ҳақидаги тасаввурларим бутунлай узгарган.

Кимларнингдир фикрича, ёмон эмишман. Илло, яхши киши бировни ёмон дермиди. Ҳайронман, ё улар менинг ичимга кириб чиқишганми-кан? Ё тавба, ахир, мен узимнинг кимлигимни ҳали яхши англаб етмаган пайтда узгалар мени қайдан билсин...

Куп жабр чекдим, бирор малҳам бергувчи булмади. Ажабо, мен бу жабр-ситамлардан эсон-омон чиққан кун бошимда парвоналар купайиб қолди.

Совуқда дейдираб утирган кимсага уст-бош бериб балога қолдим. Кейин билсам, кийимда бироз қусур бор экан.

Бу қари ит мени зимдан ёмон курар, қопиш учун пайт пойлаб юарди. Мен эса узимнинг ҳатто таланиш даражасига келиб қолганимни пайқаб, унга бир-икки суюқ ташладим. Не ажаб, шундан сунг ишларим юришиб кетди. Уз вақтида ташланган хурак хукмини утказди.

Энди баъзан йулим тушиб, уша кучадан утсам, қари ит думларини ликиллатиб келиб, ялтоқланиб бир алфозда шимларимга суйкалаверади. Эҳ, мен бу қари итдан нақадар нафратланаман.

Мен бир инсон олдидаги ишончимни йуқотдим. Албатта, бундан ортиқ жиноят бормикан.

Киши уйламай босган ҳар бир қадани учун бир умр азоб чекишга, Жаноби Ҳақ олдида, эртани-кечми, жавоб беришга мажбур ва маҳқумдир.

Одатда бир томони лат еган меванинг иккинчи томони негадир ширин бўлади. Нега шундай? Қизик, оламларда-чи?

Холмуҳаммад ТОҒАЙМУРОД,
Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани

СЕНИНГ «ЯРМИНГ» БАХТЛИМИ?

Мунозара учун мавзу



«ТЕРМИНАТОР» КИЧКИНА

Арнолд Шварцнеттер оиласида туртинчи фарзанд лунга келди. Бу уғил ҳам отасига тортган. Туғилган пайти у нақ 4300 грамм тош бодди. Ҳозирча Арнолд ва турмуш уртоғи Мария унга исм қуйиш масаласида бир тухтамга келганлари йўқ.

СТРАДЕВАРИНИНГ ҚАЙТИШИ

Бундан бир йил бурун Москвадаги Глинка номли музейдан XVII асрда яшаган машҳур уста Страдевари ясаган скрипка уғрилган эди. МУРнинг узок кидирувларидан сунг, жиноят изи Абхазия чегараларига бошлаб келди. Маълум бўлишча, скрипкани Кремль курсанглари «шумо» қилишган экан. Тарихий экспонат яна музейга қайтарилди.

ҚАРИ БИЛГАННИ...

Буюк Британиянинг энг кекса фуқароси 109 ёшида вафот этди. Жорж Кук исмли қарни унинг «меросхори» бўлиб қолди. Жорж бо-бо 108 ёшда бўлса-да, ҳали тетик. Узи яшайдиган қариялар уйининг ёш ва гузал ҳамшираларига утган-кетгандан сузлаб беришни ёқтирди.

КЎНГИЛИНИНГ КЎЧАСИ

Киевдаги социология Халқаро институти ва Киев — Могиляна академиясининг социология кафедраси утказган тадқиқотдан маълум бўлишча, Украина фуқароларининг 29 фоизи мамлакатга дулиларни кириштишга қарши экан, 13 фоиз аҳоли негрларни, 6 фоиз румин ва яҳудийларни, 5 фоиз немисларни республика ҳудудида қуришни истамайди.

БУ ЙЎЛЛАР...

Германияда йул полицияси (биздаги ДАНга ўхшаш хизмат) йул ҳаракати қоида-сини бузганларни аяб утирмайди. Тезликни меъёридан ошириб юборганлик учун 250 марка, маст ҳолда машина ҳайдаганлиги учун 3 минг марка жарима тулаш керак. Немис полициячиси пана жойга радар қуйиб, қондабузарларни пойлаб утирмайди. Аксинча, йулларда қанча масофадан кейин фоторобот еки радар урнатилгани ҳақида курсатгичлар бор.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Севги ҳақида гапирилса кунинча биз балоғат ёшидаги қиз ва йигит уртасида кечадиган интим муносабатларни тушунамиз. Агар чуқурроқ таҳлил этсак-чи? Ҳақиқий муҳаббат ниҳоқдан кейин бошланмайди, ахир! Янги қурилган оиланинг тинч-тотувлигини, қуд-андаларнинг меҳрли муносабатларини ва шу оиланинг шаклланиб, мустаҳкам була боришини эру-хотиннинг бир-бирига курсатган эҳтиром, муҳаббати белгилайди. Сиз билан ёнма-ён яшаётган, тақдир тақдирингизга туташ булган «ярмингиз» бахтиёрми? Унинг кунлида не гаилар? Севги ё армон? У сиздан розими? Меҳр-муҳаббатингиз ила унинг кунли бушлиқларини тулдир олаётисизми? Шу ҳақда ҳеч уйлаб кўрганмисиз...

... Чимилдиқ титраб-титраб тебранади. Унинг ичида барчага таъзим қилаётган келинчакнинг ҳам қуллари титрайди. Шунда кайовилардан бири ичкарига қараб овоз беради: — Ҳой, қайнонасини чақиринглар, атаганини айтсин, келинчак чарчаб кетди!

Кайнона келиб таъзимда бўлаётган келинчакни «Куп яша» деб дуо қилади. Сунг дейди: — Ховли-жойим, молу-ҳолим сеники болам, утирақол! (Келинчак таъзимда давом этади).

Идиш-товок, қозон-чумичим ҳам сеники болам, утирақол! (Келинчак таъзим қилаверади). Саиддагидега тушлаганим, ертудла сақлаганим, барисини сенга атадим болам, утиргин энди! (Келинчак утирмайди). Оқ сут бериб боққаним, силаб-суйиб устирганим — қарчиғайдай ўғлимни сенга атадим, болам, утирақол! (Шу сўздан кейингина келинчак утиради)

Ҳамма дуога қул очади: — Йиле, қушгани билан қуша қарисин...

Келинчакнинг янги кунлари бошланади. У илк дамларда оқ ёнидаги йуллоши — «қарчиғайдай» йигитга суяниб яшайди. Янги оилага кункиш, янги кунлиларга урганиш, келинлик кунлиларини-хизматидан толиққан

келларида суоқли кишисининг бир оғиз меҳрли сузи унга қувват беради. Бахти қоршиқ кунлар утаверади. Лекин қачондир... «Саломингни ютиб юбордингми, келин?» дейди даблурустдан қайнота бир кун. «Кеча ивигилдан кирларниям ювмабсан, сувда чириб кетадику», — дейди қайнона жаҳл аралаш. Қайинсингил кесатади: «Атайлаб қилган-да, менинг асабимга тегиш учун!»

— Йуг-е, ундай эмас. Кечадан бери бошим оғриб... (Келинчак хижола уйлаб аста эрига боқади)

Эр ота-онаси, синглиси айтган гапларни мулоҳаза қилиб утирмайди, шахт билан урнидан тураётиб, дейди: — Бошинг оғриш туғул, улиб қолсанг ҳам шуларнинг хизматини миқ этмасдан бажарасан, тушундингми! (Ҳамма гапга тоқат қилиб утирган келин эрининг сузларига чиқолмайди. Уксинади. Кузига ёш тулади).

Оила пойдеворидида илк «дарз»лар қачон юзага келади? Биз учун арзимаган бўлиб туюлган дағал муносабатлар сабаб эмасми бунга? Бундай дарзларнинг купайиб, кенгайиб, охир-оқибат оила пойдеворининг нураб, қулашига олиб келади. Эру-хотиннинг бир-бирини аяши, ҳар қандай вазиятда ҳам бир-бирига паноҳ бўлиши оила мустаҳкам-лигида муҳим урин тутади. Бу ҳам булса уз-узидан эру-хотин муҳаббатига келиб тақалади. Назаримда, ниҳоқдан кейинги муҳаббат оила умрини узайтиргувчи, оилаги туғиб турувчи ягона куч ҳисобланади.

Баъзан тахририятга келган хатларни ўқийман. «Биз жуда ахил яшаётувдик, — дея ёзди олис кишлоқлик йигит. — Бир кун нимадир бўлиб, тортишиб қолдик. Хотиним меидан аразлаганини сездим. Ишга бориб, «ичча паст туисам булардику», деб узимни койидим, сунг бир дунё совга-салом харид қилдим. Кечкурун уйга келсам, хотиним аллақачон отасиникига жунба қолибди. Арзимаган нарсага... Хуллас, шу сабаб бўлиб ундан кунлим совуб кетди!» «Эрим

БАЛЧИҚ НИМА?

«У (Аллоҳ) инсонни (яъни, Одамни) даставвал лойдан яратди» (Сажда, 7).

«У зот инсонни сопол каби қуриган қора лойдан яратди» (Раҳмон, 14). Балчиқ деганда, ҳаммамизнинг кўз унгимизга чивин босган, юқумли касалликлар уяси булмиш боқоқликлар келади. «Балчиқдан энг гузал сопол ашёлар қилинади», дегувчилар бор.

Ҳолбуки, балчиқ булмаганда, на электроника илми дунёга келарди, на қитъаларо ва сунъий йулдошларо алоқа буларди. Ҳатто 20 аснинг улкан кашфиёти булмиш компютер ҳам ишлаб чиқарилмаган буларди. Электроник унсурларнинг (диод, транзистор ва ҳ.) асоси булган ярим утказгичлар балчиқдан бошқа нарса эмасдир. Узаро сималоқаларда янги йул очган «супер утказгичлар» ҳам балчиқнинг бир мевасидир.

Балчиққа хос хусусиятлар ҳали тугамади. Балчиқ яхши бир катализатордир. Нефтни қайта ишлашда тезлаштирувчи вазифасини бажаради. Заҳарни эмади. Заҳарли моддаларнинг заҳарини ютиб, уларни зарарсизлантиради. Яна бир муҳим хусусияти — у кучли радиактив сурувчилдир. Радиактив унсурларнинг нурларини суриб, аτροφ муҳитга зарарини кесади.

LION KING

Уйин «Қирол шер» мультфилми асосида яратилган. Золим амакиси Скарнинг дукта уйланган ёвуз режаси туфайли отаси — қирол Муфасадан ажралган, уз юртидан қувгин қилинган шербагча Симба билан қушлаб саргузаштларни бошдан кечирасиз. Сизнинг вазифангиз Симбани ана шу саргузаштлардан эсон олаб утиши, унга ҳақиқий шерга ўхшаб ўқиришни ургатиш. Шунинг уддасидан чиқсангиз, Сим-



ба ҳокимиятни амакиси Скардан тортиб олади.

CENTURION

Воқеалар милоддан олдинги 275 йилда Италияда юз беради. Бу вақтда Рим империясининг айнаи гуркираб, гуллаб-йишаган даври эди. Сизнинг вазифангиз ҳарбий тактика ва стратегиянинг нозик томонларидан усталик билан фойдаланиб, империянинг чегараларини кенгайтириш. Шу билан бирга фуқароларингиз кайфиятидан ҳам хабардор бўлиб туринг, солиқларни ҳаддан зиёд ошириб юборманг. Йўқса, қўзғолон бошланиши мумкин.

MIDNIGHT RESISTANCE

Сизнинг вазифангиз золим афсунгар томондан утирланиб дедворга занжирбанд этилган олти маҳбусни озод этиш. Бу уйинда

«SEGA» ОЛАМИГА САЁҲАТ


қурол танлаш имконияти ниҳоятда катта: антомат, олов пуркагич, ракеталар ва бошқалар. Сизни ҳар томондан дупманлар ураб тургани учун тинимсиз турт томонга ўқ ёғдириб олдинга силжшингиз керак, йўқса узоққа боролмайсиз.




VECTORMAN

2049 йил. Ер шари бамисоли улкан ахлатхонани эслатади. Одамлар узга сайераларга кучиб кетишган. Ерда эса тозааб, тартибга кел-

тиришлари учун роботлар армиясини қолдиришган. Лекин қандайдир сабаб билан роботларни бошқариб бўлмай қолади, фақат биргина робот итоаткорлигига қолади. Сизнинг вазифангиз эса шу робот ердамида бебош роботларни йўқотиб, Ерда тартиб урнатиш.





Ҳайдар набираси Суҳаймон ўғли АБРОРИДДИН!
Сизни 25 ёшингиз билан чин қалбдан табриклаймиз! Оллоҳ умрингизни узоқ қилсин. Янги бошлаётган ишингизда омад тилаймиз.
Бугун сенинг туғилган кунинг,
Қалбингда жуш ураб қувончинг,
Қалбингда не кечар ушбу кун,
Оллоҳдан мустажоб бўлсин орзуинг.

Аҳунжоновлар оиласи,
Тошкент

ЛАЙЛОХОН, жоним қизим!

Туғилган кунинг қутлуғ бўлсин. Ҳаёт йулларинг нурафшон бўлиб, гулгун чехрангга қувонч ҳамроҳ бўлсин.

Дадажонинг Раҳматилла Муродов



Ҳурматли Гулноза БЕМАЙНОВА!

Сизни 13 октябр — 19 ёшга тулган кунингиз билан самимий қутлаймиз. Сизга соғлиқ, узоқ умр, ҳаётда бахт ва нурли келажак тилаймиз деб,
Майка, Жамшид, Гўзал

Баркамиз улуғ суюқли УМИДАХОН Қудратилла қизим!

33 ёшингиз билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Оиламиз, фарзандларингиз бахтига ҳамisha соғ-омон бўлинг!

Оила аъзоларингиз номидан: **Рустамжон, Наргизахон, Наимахон**



Жилим ШАҲКУЛАМ!
Қутлуғ ёшинг муборак бўлсин. Сен бугун 40 ёшга тулибсан. Эл эъзозиде юрибсан. Оллоҳнинг суйган бандаси бўлиб узоқ-умр қуриб, ниятларингга етиб саломат юргин.

10 октябрь 1997 йил, Матлуба ҳоланг



Азиз фарзандимиз КАМОЛАХОН!

Туғилган кунинг муборак. Сени жондан азиз севувчи ота ва онанг, жигарларинг бахтига омон бўлгин! Ҳаётинг ҳамisha нурафшон, покиза, бахтли-саодатли бўлишингни истаймиз.

Зоҳидовлар оиласи

Азиз ва ардоқли додажонимиз Шўқинжон АЛИЕВ!

Сизни 11 октябр — муборак 60 ёшга тулишингиз муносабати билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, бизга бош-қош бўлиб юришингизни Оллоҳдан тилаймиз.

Умр йўлдошингиз ва фарзандларингиз




Ғалим САИДУСАРБЕК ва қизитмам МАХСУНАБОВИЗА!

Мен сизларни таваллуд кунларингиз билан бор меҳрим билан табриклайман. Оллоҳдан сизларга омад, бахт, сийҳат-саломатлик тилайман,
деб дадаларинг

СОТАМАН

- Чирчиқ шаҳрида 1 ва 2 хонали кв. Тел: (3712) 22-51-74.
- Марказ — 15 да 2 хонали кв. ёки Москвага алмашаман. Тел: 144-43-52.
- 5 хонали, 7 сотих ҳовли. Тел: 195-19-13.
- Ҳамза туманида 8 хона 12 сотихли планли уй. Теплица, гараж. Тел: 93-24-94.
- 6,5х3,5 м.ли йиғма гараж. Тел: 93-18-43.
- Чилонзор 10-кварталида гараж. Тел: 29-29-95.
- Узгариш даҳасида 3 хонали кв. 3-кават, телефони бор. Тел: 29-29-95.
- Тошкент денгизи олдида 6 хона, 8 сотихли ҳовли. Тел: (3712) 48-96-47.



- ЦУМ орқасида 1 хонали кв-ра. Тел: 98-94-59.
- Тошкент в-ти, Зангиота т-ни, «Бозсу» деҳқон фермер хужалигидаги Узбекистон кучаси, 35-уй сотилади. 7 хона, 12 сотих. Болохона, ерғула, газ, сув иситиш қурилмаси бор. Тел: 42-64-40.
- М. Улугбек т-нида 5 хона, 4 сотихли ҳовли: Тел: 162-02-79.
- Ҳамза т-нида 3 хона, 2,5 сотихли ҳовли: Тел: 66-48-88, 22-73-32.
- ТТЗда 2 хонали кв. Тел: 63-99-33.
- Ц-13 да 4 хонали кв. Тел: 41-16-46.

ИЖАРАГА БЕРАМАН

Себзорда 3 хонали кв. тел: 45-61-98.

"Оила ва жамият" "Оила ва жамият" 98 "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ"

Азиз муштарийлар, 1998 йил учун газетамизга обуна бўлишга шошилинг! Барчангиз учун сеvimли "Оила ва жамият" газетаси сизларни кутмоқда.

"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ" "ОИЛА ВА ЖАМИЯТ"

Даниялик бир гуруҳ шифокорлар ҳапдори (таблетка) ичиш жараёнини текширувдан утказишди. Тажрибада 120 нафар кунглили иштирок этди. Улар рентген аппарати тасвирида аниқ қуринадиган зарарсиз молдадан тайёрланган етти юз дона ҳапдори ичдилар. Кузатиш натижасида шифокорлар авваломбор кичик ҳапдориларни ичиш

ҲАПДОРИНИ ҚАНДАЙ ИЧИШ КЕРАК?

катта ҳапдориларни ичишдан осон, деган хулосага келди. Кейинги кузатувларда оғирроқ беморлар яхшиши суюқ дорилар ичгани маъқул эканлиги аён бўлди. Етган бемор фақат бир ош қошиқ сув билан ичган ҳапдори

қупинча ошқозонга етиб бормай, қизилунгачда қолади (бемор буни сезмайди, албатта) ва шу ерда эрий бошлайди. Шунинг учун ҳапдорини тик турган ҳолатда камида 100 миллилитр сув билан ичган ва ичилгандан сунг, 1-

Билиб қўйган яхши

2 дақиқа, яъни дори қизилунгачдан утиб улгургунга қалар тик турган маъқул экан.

Мирзамир МИРШАРИПОВ тайёрлади, Фарғона шаҳри

ОИЛА ПОКЛИГИ

Тошкент тумани, Охунбобоев жамоа хўжалигидаги «Шифокор» маҳалласи оқсоқоли Мирилла Қудрат ўғли ва маҳалла аёллар жамияти раисаси Маъмура Алиеванинг ҳикоялари.

ВАТАН ИФОРЛАРИ

Мен 18 йил багаж-вагонда юк кузатувчи бўлиб ишладим. Хизмат юзасидан собиқ СССРнинг дегарли барча шаҳарларини куришга муяссар бўлдим. Москва, собиқ Ленинград, Новосибирск, Узоқ Шарққача, бу ёғи Сочи, Ялта, Кримлек гузал шаҳарларда бўлдим. Аммо у шаҳарларни икки-уч кун кезгандан кейин кунглимни безовта туйғу қамраб оларди-да, орта қайтишга даъват этарди. Бу безовталик то Тошкентга уз уйимгача давом этарди. Поездимиз Саригочга яқинлашгач димоғимга бир ширин, хуштаъм ҳаво келиб урилдики, нафас олиб туймас эдим. Ва то уйга кириб келгунча Оллоҳга шукроналар айтар эдим: Мени Ватан ҳавосидан нафас олишга муяссар этганинг учун узингга шукур. Чунки мен Ўзбекистон кучеши билан унинг жонга шифо бергувчи ҳавосини ҳеч ерда учратмаганман.

ТОТУВЛАК СИРИ

Бу сирни дастлаб уз келинларимга уйда уғилларим бўлмаган пайтда айтганман: биз энди қариб қолдик, ешимиз болдан ошди. Демак, биз сизларга 3-4 кунлик меҳмонимиз. Сизлар ҳозирдан оилада мустаҳкам урнашиб олишга киришинг, вақтни қулдан бой берманг. Агар эрдан яхши гап эшитмоқчи бўлсангиз, бир ишни одақ қилинлар. Эрингиз ишдан келганда ҳеч эринмасдан елкада сочиқ, қулда областа билан кутиб олинглар. Уйлаб курсангиз, бу арзимаган ишдир. Биринчидан, эрингизнинг руҳияти кутарилади, чарчоғи ёзилади. Ахир ҳурмат қилдингиз, энди ҳурмат курсасиз. Яхши сўз эшитгандан кейин сиз ҳам хурсанд бўласиз. Хонадонингизга файз қиради.

Шу насиҳатга амал қилгани учун биз келинлардан хурсандимиз. Чунки келин оиласи билан тинч бўлса, биз ҳам тинчимиз.

КЕЛИНГА ОНАЛИК ҚИЛИНГ

Мен ҳар доим агар лозим бўлса, қайноналарга бир гапни қайтариб тураман. Шу укувсиз келин урнига қизингизни қуйиб қуринг, барака тошгур, дарров жаҳонингиздан тушасизда, узингизни қулга оласиз. Уша укувсиз қизингизнинг билмайдиган иш еки камчилигини кечириб, қурмасга олиб кетасиз-ку. Озгина бағри кенглик қилинг. Жеркиш урнига бир оғиз иштин сўз билан «қизим, бу иш мана бундоқ бўлади» деб қуйсангиз олам тундир.

Бир мисол айтаман. Уйда агар еш келинга ортиқча иш буюрилганда еки укувсизлигидан нолишлар эшитсам, аелимга айтаман. Хоним, бир уйлаб қуринг, бу тажрибангизни неча йилда тушлагансиз, 40 йилда. Сиз ҳам дастлаб худди шундай бўлгансиз. Уй-рузгор тутишда аста-секилик билан талабни оширинг. Инсоф ва адолат қилсангиз, келин дарҳол хатосини англаб қанотингизга қиради. Акс ҳолда у сиздан узоқлашади. Совуқчилик тушади. Оилада ота ва она уз урнини билса, уз ҳурматини қалдраса, бу хонадонда ҳеч қачон қайнона-келин жанжали бўлмайди. Шунга ҳеч қайсиздан чиқармайликки, умид билан келин бўлиб келин қиз, шу уйдан ёмон ном олаб кетишни истамайди. Демак, уни кетишга узимиз мажбур қиламиз. Чунки келиннинг туғилган узун, биз оппоқимиз. Ахир уй бизники, уғил бизники, келин бегонадир. Агар бировнинг қизини — келинни айблашдан олдин, ойнага солгандек уз иши-

мизга баҳо берсак, оилавий мижозга тезда бартараф бўлади.

АЁЛНИ УРАДИГАН ЭР, ЭРКАК ЭМАС

Ҳаётда ечилмайдиган муаммо бўлмайди. Агар учраб қолса, демак шу борада укувсизлигимизни тан олишимиз керак. Шундагина уни ечиш йулларини излашга тушамиз. Йўлса, шу кичик муаммо катталашиб жамиятга қатта зарар етказиши мумкин.

Маҳалламиз чеккасида бир нотинч оила яшарди. Эри ичиб келган кун баъзан арзимаган баҳона билан аслга тинчлик йўқ экан. Олдин унчалик эътибор қилмасдим. Чунки шикоят йўқ эди. Бир кун кечаси соат 22 лар чамаси дарвоза тақиллади. Чиксам қузулари кукарган аёл, йиғлаб ердан сурарди. Мен бунақа эр билан энди яшашни хохламайман, орани очик қилиб берсангиз.

Мен келинни тинчитиб, сен уйингга боргин, бугун кеч бўлди. Эртага эрталаб етиб бораман, деб сўз бердим. Эрталаб вақтли бир узим кириб бордим. Аелининг юз-қузулари кукариб кетган эди. Келин чой баҳона чиқиб кетгач, йиғитга юзландим. Ҳеч қутилмаганда сўрадим. Унинг аҳволига ачинган бўлиб, «Огайни, сенинг бирор қасалинг борми?» — десам йиғит сесканиб, «нега унақа дейсиз?» деб сўради. Уша оҳангда жавоб қилдим. «Сенинг ҳақингда қизиқ гаплар юрибди, очик айтгин» десам, жаҳди чикди. «Нега унақа дейсиз? Мен узимни эр биламан!» «Қизиқ, унда нега хотинингиз урасан? Ахир ҳақиқий эркак аёлга қул кутармайди. Эркак эркак билан уришиши мумкин. Қушлар сенинг бу ишнингдан ҳайрон бўлиб юришибди. Сени эрталабки ошпа қақирмаслигимиз сабаби ҳам шу. Билиб қуйки, биз аелини урадиган эркакни эркак сафига қўшмаймиз».

Йиғит уэр сурашга тушди. «Ота, мен отам айтмаган гапни сиздан эшитдим. Бундан сунг қул кутарсам одам эмасман», деб ваъда берди у.

Орадан бир оз вақт утди. Ку чада келинни учратиб қолдим. Оғзи қулоғида. «Амаки, мен сиз-

дан бир умрга қарздорман. Уша борганингиздан бери ичкиликни оғзига олмайдилар. Уйдаги жанжаллар барҳам тошди», деб қолди. Кунглим кутарилиди. Демак, яна бир мусулмон фарзанди туғри йулга кирибди.

ЎҒЛИДАН ДАККИ ЭШИТГАН ОНА

Қушни маҳаллада бир таниш опани биламиз. Уйин-қултига суяклари йўқроқ. Ичкилик, машағга анча берилган. (Отларини атай тилга олмадик). Олдинлари гапларда ҳам ҳеч қимга сўз бермас, эркакча сифатларнинг анчасини узлаштириб олганлардан эдилар. Гап-таштаклардан роса ичиб келган кезлари эрлари танбех берса, ҳозир эр-хотин-тенг ҳуқуқлик замонда яшашимизга, деб буш келмас эканлар. Биз аёллар ҳам неча бор даъват қилиб қурдик, аммо фойдаси бўлмади.

Шу опанинг эсли-хушли ой-

Пандлар

очилди», деб шукроналар айтиб юрадилар.

ОТА МЕРОС

Раҳматли адамлар Қудратилла ҳожи Саъдуллабой ўғли 91 ешда вафот қилдилар. Енимиздаги касалхонада 30 йил боғбон бўлиб ишладилар. Отадан уч ака-ука қолганмиз. Кексайган пайтларида бир сўзни қупроқ такрорлар эдилар, раҳматлик: «Болам, қасрда, қандай вазиет бўлмасин, ҳалолликни одақ қилинг. Бировнинг ҳақига қуз олайтирмангки, охири вой бўлади. Ахир биров меҳнат билан топгани у уша кишининг ҳаққидир. Ҳалол меҳнат билан топганинг сента тегишлидир. Бу оламда ҳар ким уз тегишини олади. Қаноат қилса, ҳалоллик-ка эришади. Қари кишини қурмат қилингки, сиз ҳам қариб

ЖАМИЯТ СОФЛИГИ

қурган уғиллари бор. Эътиқоди, имони бутун йиғит. Опа бир кун ичиб-яйраб кайф билан кириб келганларида, уғиллари йул тусади. «Ойжон, сиз агар шу ичадиган одатингизни ташламан экансиз, бу маҳалладан бош олиб кетишимизга туғри келиб қолди. Биз бу аҳволда яшай олмаймиз», дейди. Уғилдан бундай гапни кутмаган она кечаси қилган ишларига тавба қилиб, эртасига бизларга бўлган воқеани айтиб бердилар.

Ҳозир сафимизда ҳамма қатори диний таълим олмақдалар. Опа ҳар замонда утган халотларини эслаб, ҳамон дихолат чекиб юрадилар. «Қузим қур экан, кеч бўлса-да қузим

қурмат топасиз. Емонлик қилиб ҳеч ким кукарган эмас. Емонлик ҳаммаша ёмонлик олиб келади. Узоқ умр қурмоқчи бўлсанг, яхшилик қил».

КАТТА БОЙЛИК

Агар бировдан қарзинг бўлмаса, тан-жонинг соғ-бўлса, дастурхонингда қупчилик қатори етулик неъмат бўлиб, қозонинг қайнаб турган бўлса, ҳеч қимга муҳтожлик жойинг бўлмаса, атрофингда шкрин-шакар невараларинг уйнаб юрган бўлса, барча тирик одам учун зарурат бўлган уйимизнинг туғиб қуйилган бўлса, билки тақдир уйда қаноатинг билан энг бой-бадавлат киши сен узингсан!..

Нусратуллоҳ КАРИМХОН.

ЭШИГНИНГИЗНИ

Эшикли уй

СУПУРГАНИ КЕЛДИК...

...Қушнимизнинг қизи бор, исми Лобар. Узи ҳам лобаргина. Тиббиет техникумида ўқийди. Туртта укасига бош бўлиб уғириш, супур-сидир, қозон-товоннинг бари шу қизинининг зиммасида. Бировга айтолмайдиган гапларини мен билан баҳам қуради. Кеча чучвара қилаётгандим, одақдагидек саломлашиб кириб келди. Енимга уғириб чучвара туғиша бошлади.

— Оламда не гаплар? — дейман киноямуз кулиб. Биламанки, юмуши бошидан ошиб етган қизинининг менинг олдимга чиқиши бежиз эмас.

— Ҳеч гап йўқ, кеча шаҳарга тушиб келдим. Кейин... Кейин... Сиз эшитмадингизми, Гулиларниқига совчи келибди... — У қузулари жавдирганича мендан жавоб қуради. Буни эшитгандим. Маҳаллада шу совчи келиши туғайли қанча-қанча гаплар бўлиб утди-ю...

— Гули урғонинг совчи жунатган йигитни яхши қуракандан-а, — дейман қизни синаб қуриш учун. Унинг юзлари оқаради, сунг қизаради. Қузуларига мунг чукади.

Оҳ, қизгина-ей, кунглингнинг тубита яширган жавоҳирдек сирларингни яшир-

ган сайин билдириб қуясан-а? Сезаманки, уша Гулига совчи келган йиғит сени севади, сен ҳам бунга бефарқ эмассан...

...Яқинда Гулиларнинг уйига ростдан ҳам совчи келганди. Совчилар бегона эмасди. Даласининг урғоғи — Илҳом ака уни келин қилишга жазм қилганди. Асли Илҳом ака билан Эргаш ака синфдош, қолаверса, ҳозир ҳам бир корхонада ишлашади. Тунгич уғиллари Улғубек ҳуқуқшуносликка ўқирди, алашмасам, бу йил 3 курсада бўлса керак. Ҳар доимгидек Илҳом аканинг бу таширфини шунчаки меҳмондорчиликка йўйиш ҳам мумкин эди-ю... Лекин табиятан вазмин Илҳом ака бу гап эшикдан қира туриб, «Ҳой, ким бор, супуринглар қани, бизлар бутун эшигингизни супургани келганмиз», деб юборарди.

Бу гапни эшитиб магнитофон тинглаб етган «Гуличка»нинг энсаси қотиб, супургини олиб келиб Илҳом аканинг олдига ташлайди.

Меҳмонлар аввалига ҳайрон бўлишди. Лекин Эргаш ака билан хотини келиб уларни кучоқ очиб кутиб олишгач, сал иккиликди, кейин сулага чиқиб утиришади. Меҳмондорчилик анчагача чу-

зилади. Илҳом аканинг аели «Энди бизларга рухсат, кеч бўлиб қолди, Улғубек ҳам ўқишдан қайтгандир», — деганидан сунг, мезбонлар улардан бир гап кутгандек бўлиб қолади. Бироқ Илҳом ака ҳам, хотини ҳам бир сўз демайди. Шунда Эргаш аканинг хотини совчиликдан аниқ дарак бериб турган иккита туғунни бушатишини ҳам, қайтаришини ҳам билмай қолади. Охири, совчиларга розилик берилганда нима қилинса шунга қилади. Оқ румолга туғилган ширинликларни, патнисдаги патир нонларини олиб қолиб, узининг нонларидан қуйиб жунатади. Бу аслида розилик белгиси, ҳамма иш расамади билан эди. Бироқ совчиларнинг бир оғиз сўз айтмай кетиши...

Уйга қайтгач Қумри опа, Илҳом аканинг аели, эрига таъба қилади: «Қанақа одамсиз-а, даласи? Ахир совчиликка боргандан кейин очиги айтилади, сиз бўлсангиз...». Илҳом ака эса: «Туғри, совчиликка бордик, Улғубек истамаса-да шу



қизни олиб бермоқчи эдик. Лекин узинг ҳам қурдинг-ку феъл-атворини... Супурги билан нақ пешномами эрай деди. Уни келин қилсақ худо билди эртага уйдан ҳайдаб чиқаришдан ҳам тоймайди. Шундай экан, онаси, қуй, бошқа қиз қилира-қолайлик», дебди.

Шу билан икки дустринг ораси узил-маса-да, озроқ совуди.

Орадан уч-турт ой утар-отмас уша Илҳом ака билан хотини «Гуличка»га кунгли чопмаган уғиллари Улғубекдан қушнимизнинг қизи Лобарга, уша менинг «сирдошим»га совчиликка келишди. Бундан мен жула хурсанд бўлдим, озми-қуми Лобарнинг кунгли сирларига «ошно» бўлганлигим учун унга чин кунглидан бахт тиладим. Илҳом, қушганинг билан қуша қаринги, Лобар қизим!

Басира САЙИД АЛИ

КУРАМА ТОҒЛАР БУЛБУЛИ

Тошпулат Маткаримовнинг кушиқларини кўпдан бери эшитаман. У кушиқлар меда ҳар хил таассурот қолдирар эди, бироқ икки йиллар бурун у кишининг бир қушиғини телевизорда кетма-кет бир-икки марта эшитиб қолдим. Қанақадир жайдарими, ёввойи роқми оҳанг аралаш уйноқи кушиқ эди. Сузлари ҳам тез мияга урнашади:

Улан айтсанг жўшиб айтов,
айнамов,
Сўзни-сўзга эшиб айтов,
айнамов
Телуо, Ақча, Оҳангарон,
Сулвларин кўшиб айтов,
айнамов,

Баланд тоғи Курама,
Жилга-сойи бурама,
Кийиқ кўзли қизларига,
Ёмон кўзман қарама.

Дастлаб эшитганимдаёқ ё Кўшрабонтнинг, ё Нуротанинг кийиғи чиқар шу одам деб хаёл қилдим. Акалемияда ўқиб юрганымда шоир Муҳаммад Юсуфдан сурасам: «Мана бетган у» деди қулини бизг қилиб, хув нарини курсатиб, «Ангреннинг берисида, Оҳангароннинг нари-сида, бир нима дейди қишлоғиниям».

Оҳангаронлик юрист журам бор — Эркин Абдуллаев деган. «Журналда чиқармоқчимисиз, менинг қишлоғимдан у, эртага опкеламан», деб қолди бир кун. Эртаси куни булмаса ҳам бир талай фурсат утиб икковлари келиб қолиши. «Ешлик» журналида сурати билан бир мақола чиқарадиган бўлди. «Булмаса мен бир одамбашара бўлиб кийи-

ниб келайин-а», деди Тошпулат ака. Жуда безор, ширинсухан киши экан. Ясантусан кийинтириб, қиш фасли булса ҳам нақ анҳорнинг устидаги кунрикка чиқариб қўйиб, мийиғида қулдириб суратта тушириб журналга бериб юбордик. Ихлос билан мақола ҳам эзатган эдим, нима будди-ю тутагтолмадим. Натижада ҳофиз акамининг суратиғина журналда чиқиб кетди. Оббо, дедим. Ваъда чала булганига уялиб юрдим. Аммо у киши хафа эмасман, хурсандман, деб келди, бир кун. «Бирор туй-пуйга хизмат булса, бемалол», деб ҳам қўйди. Бунақа хизмат ҳаёлимда ҳам йуқ эди, азбаройи шинаванда бўлиб қолганимдан журналда беришни хоҳлаган эдим.

Шу-шу Тошпулат ака билан саломалик жура бўлиб олдик. У кишининг ҳам бизга ухшаган қаламқашларга андак ихлоси бор экан, баъзи шоирларнинг далли-девоналиқларини ҳам тўғри баҳолар экан.

Т. Маткаримов кўп санъаткорлар сингари Ҳамза номидаги мусиқа билан юртини тамомлаган. Мактабда Баҳром ака деган ўқитувчиси устозлик қилган. Кейинчалик эса аксар қушиқларини Анор Назаров билан бирга ижод этган. Отаси 35 йил қишлоқ феълшери булган. Ҳозир нафақадор. Бир қиз, бир угилнинг отаси. Қисқача таржимаи холи шу. Йирик мукофотлари ҳам йуқ. Ичмайди, чекмайди. Саксондан зиёд қушиғи бор. Дастлаб Икромжон Буроновнинг, сунгра машхур бир хонанданинг қушиқларини айтиб юрган. Беаром тақдид ҳам қилган, ҳатто Челентано, Челенжерлар ҳам қолмаган. «Ламбада», «Жиннури», «Сюзанна» қушиқларини дастлаб у збекча қилиб қуйлаган эди. Ҳинд мусиқасини узбек сузига қоплаб «Яна бузлар будди юрагим» деб ҳам қуйлади,



Ҳамроз

қуйлайверди.

Чамаси 1987 йилларга келиб узининг мустақил узанига тушиб олди. Халқ қушиқларига яқин эстрада йулини танлади.

Тошпулат ака билан тақдид ва уртамиеналик ҳақида суҳбат қурдик. «Бир зур хофизимиз тақдидчилари ҳақида «Улар ҳатто мендан ҳам яхши айтишлари мумкин, лекин менинг юрагим бошқа, юрагим ухшамайди», деган эди. Шунинг учун тақдидчилик жудаям хавфли эмас. Уртамиеналиқнинг сабаби эса — юракда ут булмаслигидандир. Санъаткор зукко бўлиши, тингловчи нима тинглашини билиши керак. Қалбда олови бор санъаткор тиним билмайди, янги-янги қушиқлар яратсам дейди. Лекин бир нарсга муҳим: аввал сўз, кейин оҳанг, сунгра ижро уйғунлашиши шарт. Акс ҳолда қушиқ муваффақиятли чиқмайди».

Собир УНАР, ёзувчи

XX аср: ҳодисалар силсиласи

ЭРИНМАГАН ОДАМЛАР!

Япониянинг дунёга донги кетган «Сони» фирмасида энг митти аудиомагнитофон яратилди. Унинг кассетаси ҳажми почта маркаси билан тенг булса-да, нақ 2 соат айланади.

Франциялик заргар Клод Уго турт юз соат вақт сарфлаб катталиғи 6,4 мм булган шохмат тахтаси ясади. Тахта ҳам, унинг доналари ҳам олтин ва платинадан ясалган.

Таиланддаги Сиам дорилфунунида ҳам ихтирочиликка ишқибоз ёшлар қўллаб ўқийди. Яқинда улардан бир нечтаси тушланиб, узунлиғи 43 см, баландлиғи 18 см. булган мотоцикл ясади. Унинг тезлиғи соатига 15 километр, 130 кило юк кутаради.

«Бояр» тикувчилик фирмасининг (Франция) чеварлари реклама максалида ниҳоятда катта костюм тикишди. Унинг узунлиғи 8 метр, енглариининг ҳар бири эса 3 метрдан. Костюмни тикиш учун 37 метр газлама сарфланган.

Токиода бақирш буйича танлов ўтказилди. Тацуро Мурано исмли жаноб бақирокликда ҳамма рақибларини ортда қолдирди ва 100 минг иен мукофотни қўлга киритди.

ЭШЛИКНИНГ «ЕЧИНИК» ДЕЙИШАРДИ

Жаҳон кулади

Бир тула кишилар жиннихонадан қочмоқчи бўлишибди. Улар бир ҳафта уялаб, бетон девордан ошиб утишининг режасини тузишибди. Белгиланган кун келибди. Еш жиннини вазиятни биллиб келиш учун юборишибди. Бироздан сунг у тушқун кайфиятда кайтибди:
-Режамиз чиппакка чиқди.
-Нега?
-Деворни бузиб ташлашибди.
Жиннилар ҳамширадан сўрашди:
-Тушикка нима булайпти?

-Макарон.
-Уф-ф, шу труба ташини ҳам жонга тегди.
-Қон босимингиз ошиб кетибди, — деди духтир беморга.
-Бу балиқ овига боришининг оқибати, — жавоб қилди у.
-Ақсинча, балиқ ови фойдали.
-Тутрику-я, лекин мен балиқни тақиқланган жойда овлайманда.
-Духтир, утган сафар ёзиб берган дорингиз зап ердан берди-да.
-Нимаям дердим, баъзан шунчақсиям бўлиб туради.

* * *
-Дустим, хотинингизнинг касали оғир эмас, — деди духтир. — У ҳали куп яшайди.
-Мен-чи, духтир, мен?
-Ҳа, тиббиет жудаям илгарилаб кетди, — деди урта яшар аёл дутонасига. — Ешлигимизда духтирга борсак, «Ечининг», дейишарди. Ҳозир эса «Тилингизни чиқаринг», — дейишарди.
Духтир беморни текширгач, ҳазин овозда деди.
-Буегига бардам буласиз.
-Нималар деяпсиз, наҳотки улсам.
-Йў-э, сизга жудаям қиммат дорилардан ёзиб бермоқчиман.

* * *
Духтирлар консилиумга йиғилишди:
- Нима қилдик, беморнинг аҳволи оғир. Даволаймизми еки яшайверсинми?
Духтирнинг хонасига чиройли қиз кириб келди:
-Марҳамат, ечининг, — деди духтир.
-Кечирасиз, менинг қулогим оғрияпти.
-Унда қўшни хонага кири-нг, мен кўз духтириман.
-Табриклиман, ҳамкасб, операцияни жуда яхши ўтказдингиз. Фақат бемор буни билмай кетди.
- Шунча йил ишлаб, атиги бир марта катта хатога йул қуйганман, — деди бир духтир ҳамкасбига.
-Қанақа хато?
-Бир беморни икки кундаёқ даволадим. Кейин билсам, у миллионер экан.

БУШ ВАҚТИНГИЗДА

«Старт» чизигидан маррагача шундай югуриб утиш керакки, ҳар бир йулдан фақат бир марта утиш, олдин утган жойни бирор жойда кесиб ўтмаслик шарт. Бунинг улдасидан чиқа оласизми?

Жиннихонанинг навбатчиси хонасида телефон жиринглади.
-Алло, ҳамшира, илтимос, 10-палатага қаранг-чи, ҳеч ким бормикан?
- Йуқ, палата бум-бум.
-Демак, мен қочиб кетибман-да...

Телефонлар консилиумга йиғилишди:
- Нима қилдик, беморнинг аҳволи оғир. Даволаймизми еки яшайверсинми?
Духтирнинг хонасига чиройли қиз кириб келди:
-Марҳамат, ечининг, — деди духтир.
-Кечирасиз, менинг қулогим оғрияпти.
-Унда қўшни хонага кири-нг, мен кўз духтириман.
-Табриклиман, ҳамкасб, операцияни жуда яхши ўтказдингиз. Фақат бемор буни билмай кетди.
- Шунча йил ишлаб, атиги бир марта катта хатога йул қуйганман, — деди бир духтир ҳамкасбига.
-Қанақа хато?
-Бир беморни икки кундаёқ даволадим. Кейин билсам, у миллионер экан.

ТЕЛЕФОН АППАРАТЛАРИНИ СОТАДИ:

- VEF-TA-D	-1850 с.
- VEF-MANUAL	-1550 с.
- SAPURA-M	-2100 с.
- DAEWOO DU-2340	-2300 с.
- DU-2341/2280	-3600 с.

Барча телефон аппаратларига бир йиллик кафолат берилади.

Шунингдек:

- Panasonic KX-T 2365	-12500 с.
- VEF-TA-611	-1850 с.

Телефонлар: 55-04-26, 61-60-66, 67-98-91

ОИДА ВА ЖАМИЯТ

БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий:
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент-700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-ўй

Телефонлар:
Баш муҳаррир — 133-28-20,
котибият — 34-86-91,
эълонлар бўлими — 136-56-52.
Даврон БЕК навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0683
32665 нуسخада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади
Баҳоси эркин нархда

Заринаш